

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**“СУҒУРТА ИШИ” кафедраси**

**“Суғурта иши” фанидан**

## ***КУРС ИШИ***

**Мавзу: Суғурта бозори ва унинг ривожланиши**

**Бажарди: СС-60 гуруҳ талабаси**

**Фатуллаев Ж.**

**Текширди: Халикулова Г.Т.**

**ТОШКЕНТ-2012**

## КИРИШ

Ҳозирги шароитда давлат молиявий сиёсатининг мақсади иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини муайян чора-тадбирлар ёрдамида ошириш асосида жамият аъзоларининг турмуш фаровонлиги даражасини таъминлашдан иборат. Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида кузатилаётган ривожланиш кўрсаткичларини самарали молиявий сиёсат натижаси эканлигини қайд этиш зарур. Мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда аҳоли даромадларини кўпайтириш ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили, мамлакат тараққиёти йўлидаги фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган кенг чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида 2011 йил Ўзбекистон Республикасида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилинган<sup>1</sup>. Президент Ислон Каримовнинг 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида: “Биз ўтган йилда Ўзбекистонда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръати 8,5 фоизни қилганига гувоҳимиз. Бу дунё миқёсидаги юқори кўрсаткичлардан бўлиб, мамлакат иқтисодиётининг турли соҳаларидаги ўсиш барқарор суръатларда давом этаётганини англатади”, -деди у.<sup>2</sup> Шундан келиб чиқиб, суғурта муносабатларини ривожлантириш асосида суғурта бозорининг кўламини кенгайтириш айти пайтда долзарбдир. Янги суғурта ташкилотларининг пайдо бўлиши, суғурта ташкилотларининг узоқ қишлоқ жойларида ўз филиал ва бўлинмаларини очилиши, бунинг исботидир. Суғурта бозорига хизматлар таклиф этувчи суғурта компаниялари бўйича қонунчиликни тартибга солиш ва мустаҳкамлаш борасида қатор ишлар амалга оширилиб, бу борадаги чора-тадбирлар тобора чуқур кўриниш олмоқда.

Дастлабки маълумотларга асосан, 2010 йилда суғурта мукофотларининг ҳажми 171,4 млрд. сўмни ташкил этди. Бундан 73,7 млрд. сўм юридик шахслар билан тузилган шартномалардан, 26,3 млрд. сўм жисмоний шахслар билан тузилган шартномалардан ҳосил бўлган. Натижада, юридик шахслар билан тузилган шартномалардан қўлга киритилган суғурта мукофотлари улуши умумий мукофотлар бўйича 73,7 фоизни, жисмоний шахслар билан тузилган шартномалардан ҳосил бўлган суғурта мукофотлари улуши 26,3 фоизни ташкил этди.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тўғрисида. //Тошкент оқшоми, 2011 йил 10 февраль.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Амалга оширилаётган тадбирларнинг долзарблиги, мақсадли ва самарадорлиги-иқтисодий муваффақиятлар гаровидир. //Тошкент оқшоми, 2011 йил 31 январь.

Шунга қарамасдан, нафақат мамлакатимиздаги, балки хорижий мижозларни ҳам ишончини қозона оладиган суғурта хизматларининг кенг турларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш миллий суғурта бозорини ривожлантиришдаги асосий муаммолардан биридир. Аҳолини ижтимоий химоя қилишда суғурта воситаларидан фойдаланиш давр талабидир, уни ривожлантириш ва оптималлаштириш мавзунинг долзарблигини ифодалайди.

## 1. Суғуртанинг иқтисодий моҳияти ва унинг бозор иқтисодиётидаги ўрни

1991 йил Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритиши ва бозор муносабатларини қуришга қаратилган давлат сиёсатини юритилиши суғурта соҳасида узоқ йиллар ҳукм сурган давлат монополиясининг барҳам топишига, пировардида, давлат суғурта ташкилотлари билан бир қаторда бошқа мулкчилик шаклидаги суғурта ташкилотларининг вужудга келишига шарт-шароит яратди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг суғурта соҳасида туб ўзгаришлар юз берди. Иқтисодий ислохотлар туфайли тармоқда рақобат асосида фаолият кўрсатадиган турли мулкчилик шаклларидаги суғурта компаниялари вужудга келди. Мулкларни давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштириши, янги типдаги тадбиркорлик тузилмаларини вужудга келиши, ташқи иқтисодий фаолиятнинг жадал суръатлар билан ривожланиши суғурта хизматларига бўлган талабни кескин ошишига сабаб бўлди. Иқтисодий ислохотлар бошланган 1991 йилнинг ўзида амалда қарийб 70 йил давомида якка ҳоким сифатида фаолият кўрсатиб келган “Госстрах” органларига рақобатлаша оладиган нодавлат суғурта компаниялари фаолият кўрсата бошлаган эди.

Таъкидлаш лозимки, мустақиллик йиллари суғурта соҳасини ислох қилиш юзасидан жиддий қадамлар қўйилди. Тармоқда туб ислохотларни амалга ошириш жараёни дунёда тан олинган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос модели “Ўзбек модели” принципларига мос равишда кечди. Давлат бошқа соҳаларда бўлгани каби суғурта соҳасида ҳам бош ислохотчи сифатида фаол иштирок этди. Дастлаб, 1993 йилда “Суғурта тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. 1994 йили ҳукумат қарорига мувофиқ “Ўзбекинвест” миллий суғурта компанияси ва “UzAIG” Ўзбекистон-Америка суғурта компанияси ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида транспорт воситалари ва бошқа ўзи юрар машина ва механизмлар эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” қарори қабул қилинди ҳамда 1995 йил 1 январдан мажбурий суғуртанинг ушбу тури амалиётга жорий этилди. 1995 йил 26 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида асосан “Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни суғуртавий ҳимоя қилиш бўйича “Мадад” суғурта агентлиги ташкил этилди.

1996 йили Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг тасдиқланиши муносабати билан суғурта фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тизими мустаҳкамланди. Кодекснинг 52-боби суғуртага бағишланган бўлиб, унда суғурта шартномасини тузиш тартиби ва унга бўлган талаблар, мажбурий ва ихтиёрий суғурта каби масалалар ўз аксини топган.

1997 йили давлат иштирокида бир қатор йирик суғурта компаниялари ташкил этилди. 1994 йилда ташкил этилган “Ўзбекинвест” миллий суғурта компанияси “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясига айлантирилди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги собиқ Давлат суғурта бош бошқармаси негизида “Ўзагросуғурта” ва “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компаниялари ташкил этилди.

1998 йил суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрилди. Шу йили Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Суғурта назорати давлат инспекцияси ташкил этилди. Республика ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча суғурта компаниялари янги ташкил этилган Суғурта назорати давлат инспекциясида қайта рўйхатдан ўтказилди.

2002 йил Ўзбекистон Республикасида суғурта хизматлари бозори ривожланишида янги босқични бошлаб берди. Суғурта фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор қонунчилик ҳужжатлари имзоланди.

2002 йилнинг 31 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонининг эълон қилиниши суғурта тизимини барқарор фаолият кўрсатиши ҳамда суғурта хизматлари бозорини тараққий этиши борасида янги имкониятлар яратди. Мазкур Фармонга мувофиқ, суғурта ташкилотлари, мулкчилик шаклидан қатъий назар, даромад (фойда) солиғи тўлашдан уч йил муддатга озод этилди. Солиқ тўлашдан бўшаб қолган пул маблағлари суғурта компанияларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, республика минтақаларида агентлик тармоқларини кенгайтириш ва кадрларни тайёрлашга сарфланиши қатъий белгилаб кўйилди. Шунингдек, 2002 йилнинг 5 апрелида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «Суғурта фаолияти тўғрисида» янги Қонун қабул қилди. Бу қонуннинг қабул қилиниши суғурта муносабатларида иштирок этувчи томонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонуний жиҳатдан ҳимоялашга муҳим ҳисса бўлиб кўшилди. Суғурта соҳасини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжати нормалари халқаро стандартларга

мувофиқлаштирилди. Жумладан, ривожланган чет мамлакатлардагидек бизда ҳам суғурта хизматлари бозори иккига ажратилди: ҳаётни суғурта қилиш билан боғлиқ хизматлар бозори ва умумий суғурта хизматлари бозори. Ҳаётни суғурта қилишга ихтисослашган ташкилотлар умумий суғурта турларини ўтказиш, аксинча умумий суғурта турларини амалга оширувчи ташкилотлар ҳаётни суғурталаш ҳуқуқига эга эмаслиги қонунда белгилаб қўйилди.

“Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2002 йил 31 январдаги ПФ-3022-сон Фармонига мувофиқ ҳамда суғурта тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш, суғурталовчиларнинг моддий-техника базасини ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, уларнинг минтақавий ваколатхоналарини кенгайтириш ва аҳолининг суғурта ташкилотларига бўлган ишончини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2002 йилнинг 27 ноябрида 413-сонли қарор қабул қилди.

Ушбу қарорга кўра, суғурта бозори профессионал иштирокчилари учун устав капиталнинг энг кам миқдорларига бўлган талаб белгиланди. Шунингдек, улар фаолиятини лицензиялаш тартиби ҳам амалиётга жорий этилди. Энг муҳими, юридик шахсларнинг ихтиёрий суғурта билан боғлиқ харажатлари улар товар айланмасининг 2,0 фоизи миқорида солиққа тортиладиган базадан чиқариб ташланадиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелда “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-325-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда банк-молия, ахборот-коммуникация хизматлари қаторида суғурта хизматларини изчил ривожлантириш бўйича имтиёзлар жорий этилди ҳамда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш Дастури маъқулланди. 2006 йил 1 апрелдан суғурта компаниялари уч йил муддатга даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод этилди. Шунингдек, дастурда 2010 йилга келиб суғурта хизматлари кўрсатиш турлари ва ҳажмини ошириш ҳисобига суғурта мукофотлари умумий ҳажмини 68,0 млрд.сўмга ошириш вазифаси белгиланди. Давлат томонидан суғурта хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган бундай чора-тадбирлар, солиқ бўйича берилган имтиёзлар, табиийки, ўз самарасини берди.

Ўзбекистон Республикасида суғурта соҳасини давлат томонидан кўллаб-қувватлаш сиёсати мунтазам давом этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелда “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-618-сонли Қарори эълон қилинди. Мазкур Қарорга асосан 2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури тасдиқланди. Бу дастурда суғурта фаолияти ва суғурта назоратининг қонунчилик базасини халқаро амалиётга мувофиқ янада такомиллаштириш, суғурта хизматлари, айниқса, тадбиркорлик фаолияти, экспорт-импорт операциялари, ҳаётни узок муддатли суғурталаш ҳажмини кенгайтириш, республика суғурта бозорини халқаро суғурта бозорларига интеграциялашувини таъминлаш каби вазифаларни бажариш кўзда тутилган.

Шунингдек, юқорида қайд этилган Президент Қарорида “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилиш ҳам назарда тутилган эди. Мазкур қонунда суғурта бозори профессионал иштирокчилари бўлган суғурталовчилар, суғурта агентлари, суғурта ва қайта суғурта брокери, суғурта сюрвейери, ассистанс ва актуарий хизмати ҳамда аджастерларнинг фаолиятини тартибга солувчи нормалар мавжуд. Сир эмас, суғурта бозорининг ушбу профессионал иштирокчилари фаолиятини қонуний жиҳатдан мустаҳкамламасдан туриб, уларни ривожлантириб бўлмайди. Суғурта бозорини ривожлантиришда мазкур субъектларнинг нечоғли катта аҳамият касб этишини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, суғурта бозори профессионал иштирокчилари ҳам 2009 йилгача фойда солиғи тўлашдан озод этилди.

Давлат томонидан суғурта соҳасини ривожлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида суғурта компаниялари ўз фаолиятларини бозор талабларига мос равишда ташкил этишга ҳаракат қилмоқдалар.

Суғурта корхона ва ташкилотларнинг мулкӣ манфаатларини ишончли ҳимоя этувчи самарали восита сифатида бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамият касб этади.

## 2. Суғурта бозори ва унинг хусусиятлари

Мустақиллик йиллари суғурта соҳасини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Суғурта фаолиятини тартибга солувчи дастлабки “Суғурта тўғрисида”ги Қонун 1993 йил 6 майда қабул қилинган. Кейинчалик мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, суғурта тизимида юз берган ўзгаришларни ҳисобга олиб янги таҳрирда “Суғурта фаолияти тўғрисида” Қонун қабул қилинди. 1993-2009 йиллар давомида миллий суғурта тизими фаолиятини қонуний тартибга солиш билан боғлиқ ўнлаб қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди ва улар мунтазам такомиллаштирилиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолияти қонунчилик базасини шартли равишда 4 гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Суғурталовчилар ва бошқа суғурта бозори профессионал иштирокчиларини тузиш, улар фаолиятини лицензиялаш, юритиш ва тугатиш ҳамда суғурта шартномаларини имзолаш ва ижро этилишини таъминлаш билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатлари. Мазкур қонунчилик ҳужжатлари таркибига, биринчи галда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини киритиш мумкин. Ушбу кодекснинг 52-боби суғуртага бағишланган бўлиб, унда жами 48 та модда мавжуд. Кодексда мулкӣ, шахсий суғурта ва зарар етказганлик учун жавобгарликни ҳамда тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш бўйича шартномаларни тузиш шартлари баён этилган.

Фуқаролик кодексда мажбурий суғурта ва мажбурий давлат суғуртасини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Хусусан, мажбурий суғурта суғурта қилдирувчиларнинг ўз маблағлари, мажбурий давлат суғуртаси эса Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши таъкидланган.

Кодекснинг энг муҳим жиҳати шундаки, унда суғурта шартномасининг мазмунига оид нормалар мавжуд. Масалан, кодекснинг 929-моддасида суғурта шартномасининг муҳим шартлари келтирилган. Бу шартларни суғурта агенти сўзсиз билиши талаб этилади (Фуқаролик кодексининг 52-боби иловада келтирилган).

Суғурта фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари ичида 2002 йилнинг 5 апрелида қабул қилинган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонун муҳим ўрин тутди. Мазкур қонунга 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига қадар 4 марта қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган (қонуннинг тўлиқ



матни кўшимча ва ўзгартиришлар билан бирга иловада келтирилган). Қонунда суғурта бозори профессионал иштирокчиларига таъриф берилган ҳолда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайд этилган. Жумладан, суғурталовчи, суғурта брокери, қайта суғурта брокери, суғурта агенти, аджастер, актуарий, суғурта сюрвейери ва ассистансларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда фаолият йўналишлари қонунда ўз ифодасини топган.

“Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг муҳим томони шундаки, унда махсус ваколатли давлат органининг ваколатига кирувчи вазифалари баён этилган. Жумладан, махсус ваколатли давлат органи суғурталовчилар ва суғурта брокерлари фаолиятини лицензиялаши, суғурталовчиларнинг ижро этувчи органи раҳбарларига ва бош бухгалтерига қўйиладиган ижро этилиши мажбурий бўлган малака талабларини белгилаши каби ҳуқуқий нормалар мавжуд.

Бундан ташқари, қонунда суғурта бозори профессионал иштирокчиларини тузиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш, суғурталовчиларнинг устав фондига ўрнатилган талаблар кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли қарори асосида “Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисида Низом” тасдиқланган. Низомда лицензия талаблари ва шартлари, лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар, аризаларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш каби масалалар ёритилган. Шунингдек, лицензияни қайта расмийлаштириш, дубликат бериш, лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш тартиби ҳам Низомда кўрсатиб ўтилган.

“Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан махсус ваколатли давлат органи суғурталовчининг ижро этувчи органи раҳбарлари ва бош бухгалтерига ижро этилиши мажбурий бўлган малака талабларини белгилайди. Шунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 2008 йил 11 июндаги 61-сон буйруғига биноан “Суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги Низом” тасдиқланган. Ушбу Низом 2008 йил 18 июнда Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигида 1827-сон билан давлат рўйхатига олинган. Низомга мувофиқ суғурталовчи ёки суғурта брокери раҳбари ва бош бухгалтери лавозимига тавсия этилаётган

номзодларнинг ҳужжатлари Молия вазирлигига улар лавозимга тайинланишидан олдин малака талабларига жавоб беришини ўрганиш нуқтаи назаридан тақдим этилади. Низомда суғурталовчининг ёки суғурта брокерининг раҳбари қуйидаги малака талабларига жавоб бериши керак:

а) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий маълумотга ёки хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги олий маълумотга эквивалент деб тан олинган олий маълумотга эга бўлиши;

б) суғурта соҳасида 2 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши (суғурта агенти сифатидаги, шунингдек, ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар лавозимларидаги иш стажига ҳисобга олинмайди).

Бундан ташқари, юқорида номи қайд этилган Низом бўйича суғурталовчи ва суғурта брокерининг бош бухгалтери қуйидаги малака талабларига мос келиши шарт:

а) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий маълумотга ёки хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги олий маълумотга эквивалент деб тан олинган олий (бухгалтерлик, молиявий, иқтисодий) маълумотга эга бўлиши;

б) бухгалтер сифатида 3 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши, шундан суғурта соҳасида бухгалтер сифатида бир йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши керак.

2) Суғурталовчилар учун пруденциал талабларни белгиловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Суғурта фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ пруденциал талаблар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 22 апрелдаги 41-сон буйруғига мувофиқ тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 12 майда 1806-сон билан давлат рўйхатига олинган “Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисида Низом”, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 20 ноябрдаги 107-сон буйруғига биноан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2008 йил 15 декабрда 1882-сон билан давлат рўйхатига олинган “Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги Низом” ва бошқа шу каби меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Хусусан, “Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисида Низом”да суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) алоҳида таваккалчиликлар бўйича мажбуриятларининг йўл қўйиладиган энг кўп

миқдори суғурта захиралари ва ўз маблағлари манбалари суммасининг 20 фоизидан ошмаслиги шарт. Масалан, суғурталовчининг суғурта захиралари ва ўз маблағлари миқдори 5,0 млрд.сўмни ташкил этади. Демак, низомга асосан суғурталовчининг алоҳида таваккалчиликлар, яъни битта суғурта шартномаси доирасида зиммасига олмоқчи бўлган мажбурияти 1,0 млрд.сўмдан ошиб кетмаслиги зарур. Агар суғурта мажбурияти миқдори 1,0 млрд.сўмдан ошиб кетса, у ҳолда суғурталовчи ошган суммани қайта суғурта қилиши шарт.

Умумий суғурта соҳасида ёки фақат қайта суғурта қилиш фаолиятини амалга оширадиган суғурталовчилар учун мажбуриятлар жамининг миқдори ўз маблағлари манбалари суммасининг 200 фоизидан ошиб кетмаслиги зарур. Бу ҳақда ҳам “Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисида Низом”да аниқ кўрсатиб қўйилган. Суғурталовчининг ўз маблағлари деганда устав капитали, қўшимча капитал, захира капитали, тақсимланмаган фойда ва мақсадли тушумлар суммаларининг йиғиндиси тушунилади.

Амалдаги қонунчилик ҳужжатлари бўйича суғурталовчилар юридик ва жисмоний шахсларни суғурта қилиш шартномалари бўйича келиб тушган суғурта мукофотлари ҳисобидан ўрнатилган тартибда суғурта захирасига маблағлар ажратиши шарт. Суғурта захираларини шакллантириш бўйича талаблар ва уларни ҳисоб-китоб қилиш тартиби “Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги Низом”да қайд этилган. Суғурта захиралари ҳар бир суғурта тури бўйича шартнома бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тўланиши зарур бўлган валютада шакллантирилади. Суғурталовчи суғурта захирасини бухгалтерия ҳисоботини тузиш пайтда ҳисобот даври ҳолатига суғурта фаолиятини амалга ошириш бўйича олинган молиявий натижани аниқлашда ҳисоблайди.

Низомга асосан суғурталовчи ўз балансида мажбурият ёки актив сифатида ҳисобга олинадиган техник захираларни шакллантиради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 11 июлдаги 77-сонли, Давлат солиқ қўмитасининг 2008-3 –сонли ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил 26 июндаги 13-сон қарорлари билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 15 августда 1842-сон билан рўйхатга олинган “Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом”да суғурталовчиларга суғурта фаолияти тўғрисидаги

қонунчилик ҳужжатларини бузганлик учун жарима санкциялари қўллаш тартиби белгиланган. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги ПҚ-872-сонли “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Мазкур Низомга мувофиқ суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тўғрисидаги қарорлар суғурта фаолиятини тартибга солувчи ва назорат қилувчи махсус ваколатли давлат органи - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қабул қилинади. Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, суғурталовчилар томонидан бузилганлиги учун уларга суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 0,1 фоиз миқдоригача жарима солинади.

3) Суғурта муносабатлари иштирокчиларига имтиёзлар бериш билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатлари. Бундай тоифадаги ҳужжатларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325 сон, “2010 йилгача бўлган даврда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланишини жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-640 сон қарорларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш ва янада ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 10 апрелдаги 618-сон Фармони ҳамда “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2008 йил 21 майдаги ПҚ-872-сон Қарори киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325 сон Қарорига асосан суғурта фаолиятдан олинган даромад (фойда) 3 йил муддатга даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланишини жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2007 йил 10

апрелдаги ПҚ-640 сон Қарорига мувофиқ суғурта бозори профессионал иштирокчилари даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш ва янада ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 10 апрелдаги 618-сон Фармони мамлакатимизда суғурта бозорини янги поғонага кўтарилишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Аввало мазкур фармонга асосан суғурта бозорини ривожлантириш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурталашда кенг қатнашишини рағбатлантириш мақсадида мол-мулкни ва ҳаётни узоқ муддатга суғурталаш бўйича суғурта мукофотлари солиққа тортилмаслиги белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2008 йил 21 майдаги ПҚ-872-сон Қарори асосида суғурталовчиларга солиқ имтиёзлари берилди. Яъни, 2008 йилнинг 1 июнидан бошлаб уч йил муддатга юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурталовчилар акциялари бўйича дивидендлар кўринишида олинган даромадлари юридик шахсларнинг фойда солиғи ва жисмоний шахсларнинг даромад солиғини тўлашдан озод қилинди. Шунингдек, суғурталовчиларнинг дивидендлар ва фоизлар кўринишида олинган даромадлари ҳам юридик шахсларнинг фойда солиғини тўлашдан озод қилинди ва солиқдан бўшаган маблағлар республика ҳудудларида, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида ҳудудий бўлинмаларни, кенг тармоқли агентлик тизимини ташкил қилиш, шунингдек, уларнинг моддий-техник базасини ривожлантиришга мақсадли йўналтирилиши қарорда қатъий белгилаб қўйилди.

4) Суғуртанинг айрим турларини амалга ошириш тартибини белгиловчи қонунчилик ҳужжатлари. Суғурта фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонунчилик ҳужжатларининг мазкур гуруҳига 1993 йил 7 майда қабул қилинган “Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида”, 2008 йил 21 апрелда “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” ва 2009 йилнинг 16 апрелда “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” қонунлар қабул қилинди. 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонун 41 моддадан иборат бўлиб, унда мажбурий суғуртани амалга оширишнинг тартиби ва шартлари, хусусан, транспорт воситалари эгаларининг ўз фуқаролик

жавобгарлигини суғурта қилиш мажбурияти, мажбурий суғурта шартномаси, мажбурий суғурта бўйича суғурта тарифларини давлат томонидан тартибга солиш каби ҳуқуқий нормалар ўз аксини топган. Шунингдек, суғурта мукофоти, суғурта мукофоти бўйича сийловлар, мажбурий суғуртани амалга оширувчи суғурталовчиларга қўйилган талаблар, суғурта ходисалари содир бўлиши натижасида етказилган зарарларни қоплаш тартиби ҳам мазкур қонунда ёритиб берилган.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2008 йил 24 июндаги 141-сон қарорига асосан тасдиқланган. Ушбу қарорда мажбурий суғуртани амалга оширишнинг барча қирралари кўрсатиб ўтилган.

### **3. Ўзбекистон суғурта бозори ва унинг бугунги ҳолати**


Ўзбекистонда суғурта бозорининг шаклланиши иқтисодий бозор муносабатларига ўтказиш жараёни билан чамбарчас боғлиқдир. Мазкур жараён халқ хўжалигида узок йиллар ҳукм сурган яққаҳоқимлик тамойилидан воз кечишни, мулкларни давлат таассаруфидан чиқаришни ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни тақозо этди. Бундай шароитда, шубҳасиз ҳар хил мулк шаклларига асосланган хўжалик субъектларининг молиявий хизматларга, шу жумладан, суғурта хизматига бўлган талаби кескин ошади. Хўжалик, ташкилот ва муассасалар ўзларининг эҳтиёжига мос келадиган суғурта хизматини фақат суғурта бозорига мурожат қилиш натижасидагина олиши мумкин. Бизнинг фикримизча, шу ерда суғурта бозори деганда қандай бозорни тушунамиз ва унда кимлар харидор ёки сотувчи сифатида намоён бўлиши мумкин, деган саволларга жавоб бериш ўринлидир.

2010 йил якуни ҳолатига кўра республикада 33 та суғурта компанияси фаолият юритиб, улардан 2 таси ҳаёт суғурта тармоғида, 30 таси умумий суғурта тармоғида ва фақатгина 1 таси қайта суғурта тармоғида фаолият юритди. Шунингдек, суғурта бозорида 3 та суғурта брокери ва 2 та актуарийлар ташкилоти хизмат кўрсатади. Ўзбекистон суғурта бозорининг 2010 йил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, суғурта бозори ривожланишда давом этмоқда. Бундан ташқари, суғурта бозорида мажбурий суғурта улушининг маълум миқдорда барқарорлашуви кузатилди. 2010 йил

маълумотларига асосан, мажбурий суғурта улуши умумий суғурта мукофотларининг тахминан 26% ни ташкил этган.

2010 йилда суғурта мукофотларининг ҳажми 175 млрд. сўмни ташкил этди.

### Суғурта мукофотлари динамикаси



Агар 2010 йил охири ҳолатига кўра республикада амалдаги шартномаларнинг умумий сони 5,2 млн. тадан ортиқ бўлган бўлса, улардан 3,7 млн. тадан кўпроғи (71,7 фоиз) қишлоқ жойларига тўғри келади. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг кўрсаткичига нисбатан 3 % га кўпдир. Юқорида келтирилган рақамларни эътиборга олиб таъкидлаймизки, ҳозирги кунга келиб суғурталовчилар республика минтақаларида ўз ишларини аста-секин фаоллаштираётган. Бу ерда суғурта шартномаларининг асосий қисми жисмоний шахслар, кичик ва хусусий бизнес субъектлари билан тузилади.

Шундай қилиб, 2010 йилнинг якунлари бўйича суғурта мукофотлари ҳажмининг ўсиш суръати 117,3 % ни ташкил этди.

Маълумки, суғурта бозорида транспорт воситалари эгаларини фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш каби суғурта турларини амалда қўллаш орқали мажбурий суғурта улуши кўпайди. Транспорт воситалари эгаларини фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш 2008 йилнинг ноябр ойидан, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш эса 2009 йилдан амалда қўлланила бошлади.

Натижада, суғуртанинг мажбурий турлари бўйича ҳажми 2009 йилда кескин тарзда кўпайди. 2008 йилгача суғуртанинг мажбурий турларининг улуши 5-6 % ни ташкил этди. 2008 йилда мажбурий суғурта бўйича мукофотлар 2,1 мартага кўпайиб, 7,4 млрд. сўмни ташкил этди. 2009 йилда ушбу суғурта тури ибўйича мукофотлар ҳажми 5,2 мартага ўсиб, 38,4 млрд. сўмни ташкил этди.

2010 йилда мажбурий суғурта бўйича суғурта мукофотларининг кўпайиш суръати 19,2 % га тенг миқдорда барқарорлашди. Келажакда транспорт воситалари эгаларини фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича суғурта мукофотлари ҳажмининг ўсиш суръати, асосан, транспорт воситалари сони ва транспорт воситаларининг мажбурий суғурта билан камраб олиниши даражасига боғлиқ бўлиши кутилаяпти. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича ҳажмлар республика бўйича иш ҳақи фондининг ўсишига боғлиқ бўлади.

2010 йил давомида мажбурий суғурта билан бир қаторда ихтиёрий суғурта бўйича мукофот миқдорининг ўсиши кузатилди. Шундай қилиб, мазкур йилда ихтиёрий суғурта бўйича мукофотлар ҳажми 125,7 млрд. сўмни ташкил этди. Ўтган йил кўрсаткичига нисбатан ўсиш суръати 16,6 % ни ташкил этди. 2009 йилда бу кўрсаткич 33,7 % ни, 2008 йилда эса 15,1 % ни ташкил этган. Таъкидлаб ўтиш жоизки, ихтиёрий суғурта бўйича суғурта мукофотларининг ўсиш суръати динамикаси, мажбурий суғуртадан кўра, кўпроқ мукофотлар ҳажмининг умумий бозор динамикасига мос келади.

Шундай қилиб, суғурта бозорида аввалгидек суғуртанинг ихтиёрий турлари устунликни эгаллаб келмоқда. Охириги икки йил мобайнида мажбурий суғуртанинг суғурта мукофотларидаги улуши 26,0 % миқдорида барқарорлашди. Агар 2009 йилда мажбурий суғуртанинг бозордаги улуши 26,2 % ни ташкил этган бўлса, 2010 йилда ушбу кўрсаткич тахминан ўзгармади ва 26,7 % ни ташкил этди. Шунга нисбатан, ихтиёрий суғуртанинг суғурта бозордаги улуши 73,3 % ни ташкил этди.

2010 йил якунлари бўйича Ўзбекистон суғурта бозоридаги суғурта компаниялари 27,6 млрд. сўмга тенг миқдорда суғурта қопламаларини тўлаганлар. Ушбу кўрсаткич ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан 30,4 фоизга юқоридир. Аммо 2010 йилдаги ўсиш суръати ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан 3,1 % га камайди.


Амалда қўлга киритилган мукофотлар ҳажми бўйича давлат иштирокидаги “Ўзагросуғурта” ДАСК ва “Ўзбекинвест” ЭИМСК биринчи икки ўринни эгаллайди. Гарчи ушбу компаниялар бозорда биринчи икки ўринни эгаллаб турсада, бу компанияларнинг суғурта ихтисослиги бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади. “Ўзагросуғурта” ДАСК қишлоқ хўжалиги бўйича суғуртага ихтисослашгандир, лекин бошқа фаолият турларида ҳам умумий суғурталовчи сифатида фаол иш олиб боради. “Ўзагросуғурта” ДАСК фаолияти суғурталовчилар–жисмоний шахслардан келиб тушувчи суғурта мукофотларининг катта улуши билан ажралиб туради. “Ўзагросуғурта” ДАСК бўйича жисмоний шахслардан келиб тушган суғурта мукофотларининг улуши 59,8 % ни ташкил этди.

“Ўзбекинвест” ЭИМСК фаолияти, аксинча, юридик шахслар билан суғурта битимларининг катта улуши билан ажралиб туради. Бу компания бўйича юридик шахслардан келиб тушган суғурта мукофотлари 92,3% ни ташкил этди. Шунга нисбатан, суғурта мукофотларининг қолган қисми жисмоний шахслар томонидан келиб тушади. Бундан ташқари, “Ўзагросуғурта” ДАСК ва “Ўзбекинвест” ЭИМСК суғурта компаниялари ўртасидаги суғурта



мукофотлари ҳажми бўйича тафовути 5,0 млрд.сўм эканлиги эътиборни ўзига жалб этади.

### Суғурта мукофотларини тўплаш бўйича бозор етакчилари



Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорида ихтиёрий суғуртанинг ўсиш суръатларидан мажбурий суғуртанинг ўсиш суръатлари анча юқоридир. Бу бир томондан яхши кўрсаткич, аммо мажбурий суғуртанинг ҳам суғурта фаолиятининг ривожига ўзига яраша ўрни бор. Ўзбекистонда бугунги кунда суғурта жамият онгига чуқур кириб бормоқда. Мажбурий суғурта эса бу масалана ечувчи энг самарали йўл деб қараш мумкиндир. Мажбурий суғурта орқали биринчидан аҳолининг мулкый манфаатлари ҳимояланса, иккинчидан суғурта соҳаси кескин суръати ўсади. Шундай экан Республикамиз суғурта бозорида мажбурий суғуртанинг турларини (қонунчиликга риоя қилган ҳолда) кўпайтириш ва уни оммага тадбиқ қилиш лозим.

## Хулоса

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бугунги кунда суғурталаш муносабатларининг қонунчилик базаси етарли даражада шакллантирилмоқда.

Лекин шуни ҳам қайд этиш лозимки, қайта суғурталаш соҳаси бўйича қонунчилик базаси ҳамон шаклланиш жараёнидадир. Шунга қарамай мамлакатдаги қайта суғурталаш муносабатлари ҳам миллий ҳам чет суғурта ташкилотлари ўратасида ривожланиб бормоқда. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кундаги вазият қайта суғурталаш муносабатларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатнинг ишлаб чиқилиши талаб этилмоқда. Чунки, мамлакатда қайта суғуртага ихтисослашган суғурта ташкилотининг мавжуд эмаслиги, суғурта ташкилотлари томонидан йирик рискларнинг чет мамлакатларга бериб юбориш кузатилмоқда. Албатта, рискни қайта суғуртага бериш билан бирга маълум миқдордаги капитал ҳам четга чиқиб кетади. Мазкур капитални мамлакатимизда ушлаб қолиш ва мамлакатимизда фойдаланиш суғурта соҳасининг иқтисодийга кўрсатаётган самарасини янада оширади.

Юқоридагилар асосида хулоса қилишимиз мумкинки, бугунги кунда суғурта бозорини тартибга солиш бўйича шакллантирилган қонунчилик базаси асосан умумий суғурта тармоғига тегишли бўлиб, ҳаёт суғуртаси, қайта суғурталаш каби бозор иқтисодийи шароитида суғуртанинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этувчи суғурта соҳаларининг меъёрий базаси шаклланиш жараёнида турибди. Ушбу келтирилган соҳалар бўйича қонунчилик базасини яратишда хориж тажрибасини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Чунки суғуртанинг мазкур соҳалари ривожланган мамлакатларда йиллар давомида такомиллашиб, ушбу соҳаларда катта тажриба тўпланган. Иккинчи томондан хориж тажрибасини тўғридан-тўғри мамлакатимизга олиб келиш ҳам ўз самарасини бермаслиги аниқ, шунинг учун хориж тажрибасини қўллашда ички имкониятларни ҳам изчил таҳлил қилиш зарурдир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлиги таъминловчи омиллардан бир булган суғурта бозорини иқтисодий, назарий ва ҳукукий асосларини тадқиқ этиш натижалари куйидаги хулосалар чиқаришга асос булди:

1. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар даврида суғурта фаолиятининг мазмун-моҳияти тубдан узгарди. Бозор инфратузилмасининг таркибий қисми булган суғурта бозорининг узгариши, кулами ва йуналиши кенгайиб бораётганлиги, уни стратегик аҳамиятга эга булган соҳа сифатида тадқиқ этиш заруратини юзага келтирди.

2. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда суғурта фаолиятининг иқтисодий-ҳукукий базасининг яратилиши унинг ривожланиши учун объектив шарт-шароит тугдирди. Шунингдек, суғурта бозори фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизми яратилди ва такомиллаштириб борилмоқда. Суғурта бозори раванкида «Суғурта бозорини ривожлантириш ва ислох қилиш йуналишлари» тугрисидаги Қонуни муҳим аҳамият касб этмоқда.

## Foydalaniladigan o‘quv adabiyotlari ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. - T.: O‘zbekiston, 1994.
2. O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi - T.: O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi, 2003.-496 b.
3. O‘zbekiston Respublikasining Qonuni «Sug‘urta faoliyati to‘g‘risida». T.: 2002 y., 5 aprel. «Xalq so‘zi» gazetasi, 2002 yil 28 may.
4. O‘zbekiston Respublikasining “Transport vositalari egalarining fuqarolik javobgarligini majburiy sug‘urta qilish to‘g‘risida”gi Qonuni. – Xalq so‘zi, 2008 yil 21 aprel.
5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2008 yil 21 maydagi “Sug‘urta xizmatlari bozorini yanada isloh qilish va rivojlantirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida erkinlashtirish va rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Qarori. Xalq so‘zi, 2008 yil 22 may.
6. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi majlisining Qarori. “2008 yilda Respublikani ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari va 2009 yilda iqtisodiyotni barqaror rivojlantirishning eng muhim ustuvor vazifalari to‘g‘risida”, 2009 yil 13 fevral.
7. O‘zbekiston Respublikasining “Ish beruvchilarning fuqarolik javobgarligini majburiy sug‘urta qilish to‘g‘risida”gi Qonuni. – Xalq so‘zi, 2009 yil 17 aprel.
8. Mamlakatimizni modernizatsiya qilish va yangilashni izchil davom ettirish-davr talabi. Prezident Islom Karimovning 2008 yilda mamlakatimizni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari va 2009 yilga mo‘ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo‘nalishlariga bag‘ishlangan Vazirlar Mahkamasi majlisidagi ma‘ruzasi. Xalq so‘zi, 2009 yil 14 fevral.
9. Karimov I.A. Asosiy vazifamiz – vatanimiz taraqqiyoti va xalqimizfarovonligini yanada yuksaltirishdir. T.: O‘zbekiston, 2010.- 67 b.
10. Karimov I. A.Prezidentining 2011-2015 yillarda respublikamoliya-bank tizimini yanada isloh qilish va barqarorligini oshirish hamda yuqori xalqaro reyting ko‘rsatkichlariga erishishning ustuvor yo‘nalishlari to‘g‘risidagi qarori. //Xalq so‘zi, 2010 yil 26 noyabr PQ-1438-sonli
11. “Sug‘urta faoliyati to‘g‘risida”gi qonunning 15-18-moddasiga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risidagi qonuni. //Xalq so‘zi , 2010 yil 16 noyabr, 33-sonli.
12. O‘zbekiston Respublikasining qonuni. “Transport vositalari egalarining fuqarolik javobgarligini sug‘urta qilish to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi qonuniga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida.// Xalq so‘zi, 2011 yil 16 aprel №O‘RQ-283.
13. “Sug‘urta faoliyati to‘g‘risida”gi qonunniga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risidagi qonuni. //Xalq so‘zi , 2012 yil 12 aprel.
14. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti I.Karimovning 2012 yil 19 yanvardagi 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил

Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли маърузаси. Тошкент-“Ўзбекистон”-2012.

15. Нор-Аревян О. Социальное страхование. Учебник для вузов- М.: Дашков и К., 2011

16. Ермасов С.В. Страхование.. Учебник для вузов – М.:Юрайт.,2011

17. Под редакцией Л.А.Орланюк-Малицкой Страхование. -М.:Юрайт,2011

18. Худяков А.И. Теория страхования, М.: Статус, 2010 г.

19. Годин А.М., Фрумина С.В. Страхование. Учебник для вузов. - М.: Дашков и К., 2009.

20. Галаганов В.П. Страхование дело. – М.: Академия, 2009 г.

21. Ермасов С.В., Ермасова Н.Б. Страхование, 2-е издание. Учебник для вузов. - М.: Высшее образование, 2009.

22. Под.ред. В.В.Шахова, Ю.Т.Ахвледиани. Страхование 3-е издание. Учебник для студентов вузов. - М.: Юнити, 2009 г.

23. Shennaev X.M. Sug'urta agentlari uchun qo'llanma. T. infoCOM.UZ MChJ.- 2010 y.

24. Никулина Н.Н. Страховой менеджмент.-ЮНИТИ,2011

25. Ю.Т.Ахвледиани. Страхование внешнеэкономической деятельности. Учебное пособие для вузов.- М.: Юнити, 2010г.

26. Игошин Н.А. Страхование право. Учебное пособие. - М.: Юнити. 2010

27. Адамчук Н.Г. Международная практика страхования жизни. Учебное пособие.- М.: АНК ИЛ, 2009 г.

28. Internet saytlari:

- [www.expert.ru](http://www.expert.ru).
- [www.ankil.ru](http://www.ankil.ru).
- [www.znay.ru](http://www.znay.ru).
- [www.strahovka.ru](http://www.strahovka.ru).
- [www.agros.uz](http://www.agros.uz).
- [www.kafolatdask.uz](http://www.kafolatdask.uz).
- [www.alskom.uz](http://www.alskom.uz).
- [www.UzReport.com](http://www.UzReport.com).